

3. Джахангирова Гулноза Зинатуллаевна, Максудова Гулчехра Азадовна, Пулатова Назокат Эркиновна Современное состояние производства кондитерских изделий в Узбекистане и исследования перспектив // *Universum: технические науки*. 2020. №6-2 (75). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/sovremennoe-sostoyanie-proizvodstva-konditerskih-izdeliy-v-uzbekistane-i-issledovaniya-perspektiv> (дата обращения: 16.12.2020).

4. Обзор рынка кондитерских изделий – [Электронный ресурс] – 2020 - Режим доступа: <https://www.altinvest.ru/lib/obzor-rynka-konditerskix-izdelij/> (Дата обращения 15.12.2020)

5. Тренды кондитерских изделий в кондитерском искусстве – [Электронный ресурс] – 2020 - Режим доступа: <https://bakery.news/2020/06/trendy-2020-v-konditerskom-iskusstve/> (Дата обращения 16.12.2020)

6. Анализ рынка кондитерских изделий – [Электронный ресурс] – 2020 - Режим доступа: https://www.megaresearch.ru/news_in/analiz-rynka-konditerskih-izdeliy-budet-li-rasti-potreblenie-v-usloviyah-samoizolyacii-naseleniya-1532 (Дата обращения 16.12.2020)

7. Сфера о кондитерских изделиях – [Электронный ресурс] – 2020 - Режим доступа: https://sfera.fm/uploads/view/konditer_3_84_2020/35/#zoom=z (Дата обращения)

8. Сайт Ресторановфф – [Электронный ресурс] – 2020 - Режим доступа: <https://restoranoff.ru/news/newsfeed/konditerskaya-ekspertiza/> (Дата обращения 04.01.2020)

**Муратова Шоҳиста Ниматуллаевна -
Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг
Божхона институти доценти, и.ф.ф.д.(PhD)**

САНОАТ ТАРМОҚЛАРИ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ-ЭКОЛОГИК ҲАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА УСЛУБИЙ ЁНДАШУВЛАР

Аннотация: Мақолада саноат тармоқлари маҳсулотларининг иқтисодий-экологик ҳавфсизлигини таъминлаш масалалари талқин этилган бўлиб, “иқтисодий-экологик ишлаб чиқариш функцияси” тузилмаси таклиф этилган.

Калит сўзлар: экологик ривожланиш модели, экологик иқтисодиёт, иқтисодий-экологик ишлаб чиқариш функцияси.

Аннотация: В статье рассмотрены вопросы обеспечения экономико-экологической безопасности продукции промышленных отраслей и предложено построение “экономико-экологических производственных функций”.

Ключевые слова: модель экологического развития, экологическая экономика, экономико-экологическая производственная функция.

Abstract: The article deals with the issues of ensuring the economic and environmental safety of industrial products and suggests the construction of “economic and environmental production functions”.

Keywords: model of ecological development, ecological economy, economic and ecological production function.

Кириш. Жадаллашаётган саноатлаштириш ва аҳоли сонининг ортиши иқтисодиётнинг ресурсларга бўлган эҳтиёжини сезиларли даражада оширмақда, шунингдек, атрофмуҳитга салбий антропоген таъсирни кучайтириб, иссиқхона газлари ажратмаларининг ортишига олиб келмоқда. Иқтисодиёт энергия самарадорлигининг паст даражаси, табиий ресурслардан нооқилона фойдаланиш, технологиялар янгиланишининг сустлиги, «яшил иқтисодиёт»ни ривожлантириш учун инновацион ечимларни жорий этишда кичик бизнес иштирокининг етарли эмаслиги мамлакатни барқарор ривожлантириш соҳасидаги устувор миллий мақсадлар ва вазифаларга эришишга тўсқинлик қилмоқда. Бунда узоқ муддатли истиқболда «яшил» иқтисодиётга ўтиш ресурслардан оқилона фойдаланиш, барқарор истеъмол ва ишлаб чиқариш; иқтисодий ҳисоб тизимига экологик ва ижтимоий

мезонларни киритиш тамойилларига асосланиши керак [1].

Ҳар қандай давлатнинг ўз олдига қўйган асосий мақсадларидан бири – мамлакат аҳолиси учун муносиб турмуш даражасини таъминлашдир. Иқтисодиётнинг саноатлашув тенденцияси яққол намоён бўлаётган ушбу шароитда саноат тармоқларининг фаолияти иқтисодиётнинг уйғун ҳолда ривожланиб боришида муҳим аҳамият касб этади [2].

Давлатнинг ижтимоий-иқтисодий харажатларини қоплаш билан бир қаторда, саноат корхоналари меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан бандлигини ошириши мумкин ва у қўплаб иш ўринлари яратадиган ишлаб чиқаришдир [3].

Бундан ташқари, саноат тармоқлари инвестицион жозибадорликка эга бўлиб, инновацион фаолиятни мотивлаштиради, бу эса саноат тармоғи ривожининг янги истиқболларини очиш имкониятини яратади [4,5]. Тўп-

ланган салоҳият туфайли айнан илғор саноат компаниялари энг замонавий, экологик тоза технологияларни жалб қилиш ва ўзлаштириш имкониятига эга, бу эса, ўз навбатида, маълум бир минтақада саноат ва илм-фан ривожига ўз ҳиссасини қўшади [6].

Замонавий дунёда атроф-муҳит ва инсонларни салбий таъсирлардан ҳимоя қилиш муаммоларининг долзарблиги ортиб бораётганлиги сабабли, иқтисодий хавфсизликнинг экологик жиҳатига кўпроқ эътибор берилмоқда. Шу муносабат билан, амалиётда саноат тармоқлари корхоналари ҳамда саноат тармоқлари маҳсулотларининг иқтисодий-экологик ҳавфсизлиги масаласи алоҳида аҳамият касб этади.

Адабиётлар шарҳи. Саноат тармоқлари маҳсулотларининг иқтисодий-экологик ҳавфсизлиги асосларини ўрганишга МДХ олимларидан Н.Е.Булетова, И.А.Злочевский, А.А.Мальшева, Е.Ю.Труноваларнинг ишлари бағишланган бўлиб, иқтисодий-экологик ҳавфсизликни баҳолаш усулларини ишлаб чиқишда О.Н.Зайцев, Е.А.Иванцова, В.А.Кузьмин, Е.В.Семенова, Т.А.Худякова, Ўзбекистонлик олимлар Х.П.Абулқосимов, Б.Э.Мамарахимов, А.В.Вахабов, Н.М.Махмудов, Д.Н.Саидова, Ф.М.Фазилов ва бошқалар ўз ҳиссаларини қўшганлар.

Ушбу муаммони тадқиқ этган кўплаб олимлар саноат тармоқлари маҳсулотлари иқтисодий-экологик ҳавфсизлигининг кўпгина жиҳатлари етарли даражада ишлаб чиқилмаганлигини таъкидлашади. Масалан, иқтисодий-экологик ҳавфсизликни баҳолашда ягона самарали комплекс ёндашув мавжуд эмаслиги, бу ёндашувни ташлашнинг мураккаблиги ва ҳар бир алоҳида ҳолатда кўрсаткичларни тизимлаштириш муаммолари билан боғлиқдир. Бундан ташқари, кўпгина тадқиқотларда тармоқ ва минтақа хусусиятлари ҳисобга олинмайди. Хусусан, замонавий шароитда саноатнинг етакчи тармоқлари маҳсулотларининг иқтисодий-экологик ҳавфсизлиги тўлиқлигича ўрганилмаган. Бу эса, тадқиқотимизнинг зарурати ва долзарблигини белгилаб беради.

Мамлакат иқтисодиёти тармоқларининг юқори суръатларда ривожланиши ёқилғиминерал хом ашё ресурсларига бўлган талабнинг тобора ошиб боришига олиб келиб, уларни кўп миқдорда қазиб олинишини тақозо этмоқда. Аммо сифатли ва осон қазиб олинadиган конларнинг камайиб бориши ва минерал хом ашё ресурсларининг кон-техник

шароитлари оғир бўлган қазिश ишларининг чуқур горизонтларда олиб борилиши кончилик корхоналарида иқтисодий-экологик муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Табиий атроф-муҳитга жамият таъсирининг ортиб бориши инсонлар таъсирида ўзгарган табиатнинг жамиятга нисбатан акс таъсирининг ортиб боришига олиб келади. Мамлакатнинг иқтисодий ривожига бугунги кундаги эҳтиёжларни қондира оладиган, аммо келажак авлоднинг ўз эҳтиёжларини қондириш имкониятини йўқ бўлишига хавф солмайдиган ривожланишини назарда тутаяди. Мазкур концепция жамиятнинг барча жабаҳалари, жумладан сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий, экологик, ижтимоий, халқаро, ахборот ва бошқа фаолиятини қамраб олади. Жамиятда ишлаб чиқариш ва ахборот технологияларининг ривожланиши шароитида экологик аспектдан ташқари, барча аспектлар олдиндан белгиладиган назорат ва бошқарувда эҳтиёж сезади. Экологик омил инсоннинг атроф табиий муҳитининг критик ҳолатининг ёмонлашиши билан боғлиқлигини ҳисобга олиб, қўшимча эътиборни ва таъсирни талаб этади. Айниқса, саноат ишлаб чиқариши каби мураккаб ижтимоий-иқтисодий тизимларнинг экологик ҳолати тўғрисидаги масала муҳим аҳамиятга эга.

Замонавий жамият ривожига ҳаракатга келтирувчи марказий куч – бу истеъмол хусусиятлардир. Уларнинг асосида моддий эҳтиёжларни максимал қондиришга қаратилган иқтисодий психология туради. Бу эса, ўз навбатида, ишлаб чиқаришнинг ўсишига олиб келиб, табиий ресурсларнинг чексиз истеъмол қилинишига ва атроф-муҳитнинг ифлосланишига сабаб бўлади [7].

Маълумки, замонавий босқичда ижтимоий-иқтисодий соҳада ва табиий муҳитда содир бўладиган жараёнлар мувозанатда бўлмай, турли тезликка эга. Бундан ташқари амалдаги вазият шуни кўрсатмоқдаки, мувозанатнинг сақланмаслиги йўқолмай, аксинча кучайиб, келажак цивилизациясига таҳдид солмоқда. Тўпланган табиий ресурс потенциали табиий жараёнларнинг узоқ муддатли ҳаракат натижаси бўлиб, бугунги кундаги мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари уларни бир неча ўн йилликларда истеъмол қилиб, йўқ бўлиб кетишига олиб келади. Аслида замонавий иқтисодий тизим табиат ресурсларидан тез фойдаланишга йўналтирилган, ваҳоланки уларнинг қайта тикланиши узоқ муддатларни талаб этади. Натижада бугунги

кунда алоҳида давлатлар ва бутун дунё ҳам-жамияти бир қатор иқтисодий-экологик муаммолар билан тўқнаш келиши юз бермоқда. Шу билан бир қаторда жамиятнинг исталган фаолияти табиат ва унинг ресурслари асосида амалга оширилиши мумкин, деган далилни инкор этиб бўлмайди. Чунки табиий ресурс потенциалининг камайиши ривожланишни албатта чегаралаб қўяди, бунда инсоният ва цивилизациянинг сақланиши билан боғлиқ бўлган экологик-ресурс эҳтиёжлари биринчи ўринга чиқади. С.Е.Филаткинанинг фикрига кўра "...келажакда экологик эҳтиёжлар етакчи ўринни эгаллайди, чунки улар бевосита инсоннинг ва ривожланувчи цивилизациянинг сақланиб қолиши билан боғлиқ, шунинг учун бугунги кунда экологик эҳтиёжларнинг шаклланиш ва ривожланиш муаммоси долзарбликка эга"[8].

Эҳтиёжлар янги тузилмасининг шаклланиши ижтимоий-иқтисодий муносабатларда устуворликларнинг қайта йўналтирилишини юзага келтиради. Янги мақсадли йўналишлар эса ишлаб чиқариш тизимларининг ривожланиш принциплари, фаолиятини баҳолаш мезонлари, барча элементлари ва бўғинларининг қайта шаклланишини талаб этади.

Юқоридаги фикларни эътиборга олиб, мазкур илмий мақола саноат ишлаб чиқаришининг иқтисодий-экологик ривожланиш моделини тузиш имкониятларини ўрганишга ва асосий жиҳатларини ишлаб чиқишга қаратилган. Дастлаб шуни қайд этиб ўтиш керакки, барқарор ривожланиш анъанавий ривожланишдан ўзининг узоқ муддатлилиги билан фарқланади. Бошқача айтганда, барқарор иқтисодий-экологик ривожланиш инсоният ҳаёти учун зарур эҳтиёжларнинг, биргина моддий эмас, балки ижтимоий ва экологик эҳтиёжларнинг узоқ истиқболга қондирилишини назарда тутаяди.

Таҳлил ва натижалар. Барқарор ривожланишга ўтилишига зарурат иқтисодий фанларнинг анъанавий принципларининг қайта кўриб чиқилишига сабаб бўлди. Европа, Осиёнинг кўпгина давлатлари, Шимолий Американинг ривожланишининг замонавий моделининг асосини ташкил этувчи иқтисодий фаровонлик ижтимоий ва иқтисодий-экологик қарама-қаршиликлар билан юзага келувчи бир қатор муаммоларни самарали ҳал этиш имкониятини бермайди. Бу борада экологик иқтисод – иқтисодий фанлардаги истиқболли янги йўналиш ҳисобланади. Унинг бош масаласи табиий ресурс ва ижти-

мой асоси таъминладиган барқарор ривожланишнинг муносабатлари тизимининг шаклланиши ҳисобланади.

Ривожланишнинг замонавий тавсифини баҳолаган ҳолда шуни айтиш мумкинки, дунёнинг аксарият мамлакатлари барқарор ривожланишга ўтиш жараёнининг бошланғич биринчи босқичида турибди. Бундан ташқари, ривожланаётган мамлакатлар сиёсати барқарор ривожланиш принципларига қаршилик кўрсатади. Амалда шу нарса аёнки, жамият қанчалик камбағал бўлса, табиий ресурс потенциали самарасиз фойдаланилади, унинг йўқ бўлиши эса интенсив суръатларда бўлади.

Табиий капитал умуман жамият ҳаётининг асоси ҳисобланади. Шундай экан, унинг мавжудлиги физик ва инсон элементларининг қайта ишлаб чиқарилишини таъминлайди. Табиий капитал миллий бойликнинг бошқа элементларига нисбатан бирламчи хусусиятга эга бўлиб, фундаменталдир. Табиий капиталнинг аҳамияти унинг чегараланганлик даражасининг ошишига қарамасдан етарли даражада қадрланмайди. Бундай ҳолат инсоннинг узоқ муддатгача тайёр табиий ресурслардан фойдаланиши мумкинлигини, уларнинг ишлаб чиқарилишига учун ҳеч қандай ҳаракат қилмаслиги билан боғлиқдир. Уларнинг чегараланганлиги тўғрисидаги фикр эса уларнинг ўрнини тўлдириш ёки қайта ишлаб чиқариши билан боғлиқ бўлган ҳаражатларнинг кескин ортиб кетишида юзага келади[9].

Қайта ишлаб чиқариш жараёнининг мазмунини тавсифлашда унинг моддий ва иқтисодий томонларини фарқлаш муҳимдир. Иқтисодий қайта ишлаб чиқариш унинг моддийлигини ҳисобга олмаган ҳолда қийматининг шаклланишини назарда тутаяди. Бошқача қилиб айтганда, табиий капиталнинг мавжуд бўлган элементини альтернатив элемент билан қайта тиклаш имконини беради. Табиий қайта ишлаб чиқариш нафақат қиймат, балки моддий элементнинг қайта ҳосил бўлишини назарда тутаяди.

Бугунги замонавий босқичда биринчи даражада табиий қайта ишлаб чиқариш муҳим ўринни эгаллайди. Табиий капиталнинг алоҳида элементлари учун қайта ишлаб чиқариш жараёнининг мазмуни бир хил эмас. Бугун биринчи ўринга ривожланишнинг узоқ муддатли асосини таъминладиган экотизим ресурслари ёки экологик ресурслар чиқмоқда.

Экотизим ресурслари табиий моддаларнинг ва инсон фаолиятининг мақбул муҳитининг асосий "ишлаб чиқарувчиси"дир. Улар

қайта ишлаб чиқарилиши мумкин, лекин уларнинг табиий қайта ишлаб чиқарилиш имконияти – барқарор ривожланишнинг асосидир.

Табиий капитал таркибида экологик компонентнинг базавий ўрни экологик капитал тушунчасини аниқлаш заруратини назарда тутати. Экологик капитал сифатида шартли чексиз муддат давомида қўшимча иқтисодий-экологик самарани ҳосил қилишни таъминлайдиган ва қайта ишлаб чиқаришни талаб этадиган экотизим ресурслари йиғиндисини тушуниш лозим. Саноат ишлаб чиқариши миқёсида барқарор ривожланишни таъминлашда экологик капиталнинг ажратилиши муҳим аҳамиятга эга. Табиий атроф-муҳитнинг мақбул ҳолатини сақлаш имконига эга бўлган экотизимларнинг мавжудлиги барқарорликнинг муҳим шартидир. Минерал ресурслар қайта тақсимланиши, яъни фойдали қазилмаларга бой бўлган ҳудудлардан улар танқис бўлган жойларга етказилиши мумкин. Лекин атроф-муҳитнинг сифатини “сотиб олиш” ва бир жойдан иккинчи жойга ўтказишнинг имкони мавжуд эмас. Экологик капиталнинг бирламчи аҳамияти кўпгина Европа мамлакатларининг ривожланишида тавсифланади, ваҳоланки ушбу давлатлар ўзларининг табиий-ресурс потенциали танқислиги шароитида ҳам атроф-муҳит сифатининг ва турмуш шароитининг нисбатан юқори кўрсаткичларига эришганлар. Табиийки, глобал миқёсда замонавий иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши минерал ресурс захираларининг мавжудлигини, шунингдек бир қатор глобал экологик муаммоларни ҳал этишни талаб этади.

Шундай қилиб, табиий капитал иқтисодиёт ривожининг асосий чегараловчиси бўлса, экологик капитал – барқарор ривожланиш имкониятини белгиловчи асосий параметрдир. Шунинг учун экологик капиталнинг қайта ишлаб чиқарилишида иқтисодий муносабатларнинг юзага келишини белгиловчи асосий омилларга баҳо бериш муҳим аҳамият касб этади. Биринчи навбатда, талабнинг ўсиши шароитида нархларнинг ошишига олиб келадиган табиий ресурслар таклифининг ноэластиклигидир. Масалан, ушбу ҳолатни бугунги кунда бир қатор хом ашё ресурслари (нефть, металлар ва ҳ.к.) мисолида кўриш мумкин. Шу билан биргаликда замонавий бозор иқтисодиёти шароитида нархларнинг шаклланиши ишлаб чиқариш ҳаражатлари ва қисқа муддатли иқтисодий манфаатларни ҳи-

собга оладиган талаб асосида юзага келади. Натижада бир қатор иқтисодий манфаатлар ўзининг аниқ баҳосига эга бўлмай қолади. Бу ҳолат инсониятнинг нормал мавжудлиги учун зарур бўлган табиий экотизимларнинг ҳаддан ортиқ сарф қилинишига ва уларнинг фойдали хусусиятларининг камайишига олиб келади.

Юқорида қайд этиб ўтилганидек, ривожланиш манфаатларнинг янги мезонларини қўллашни назарда тутати. Бошқача қилиб айтганда, нархларнинг шаклланиш жараёнига бевосита таъсир кўрсатадиган истеъмол (талаб) тузилмаси ва ҳаражатларни ҳисобга олиш тавсифи ўзгариши лозим.

Экологик манфаатларни ҳаққоний баҳолаш ва уларнинг қайта ишлаб чиқарилишини таъминлашда экотизим ресурсларининг барқарор ривожланиши учун инсон (жамият) томонидан чегараланган ва бирламчи аҳамиятга эга деган тушунчани тушуниш омили муҳим роль ўйнайди.

Ижтимоий-иқтисодий муносабатларда инсон (инсон капитали) иккита вазифани бажаради. У бир вақтнинг ўзида ушбу муносабатларда ҳам субъект, ҳам объект вазифасини бажаради. Биринчи ҳолатда у ривожланишнинг мақсади ва мезонларини белгилайди, ўзининг эҳтиёжларидан ва мавжуд ресурслардан келиб чиқиб, муносабатларнинг мазмунини аниқлайди. Инсон капитали табиий ва физик капитал каби объект сифатида мақсадга эришишга қаратилган ривожланиш фактори бўлиб хизмат қилади.

Хулоса ва таклифлар. Ривожланган мамлакатларда бугунги кунда табиатдан фойдаланишнинг бир қатор соҳаларида бошқаришнинг бозор инструментлари етарли даражада кенг миқёсда қўлланилиб келинмоқда. Хусусан, атмосфера ҳавосини муҳофаза этишда ифлослантириш учун ҳуқуққа эга бўлиш савдоси, ифлосланиш ҳуқуқини берувчи банклар, биржалар кабилар қўлланилмоқда. Лекин бозор иқтисодиёти усулларида фойдаланиш белгиланган институционал шароитлар ва меъёрий-ҳуқуқий базанинг шаклланишини талаб этади.

Саноат ишлаб чиқаришида ёки саноат ҳудудида экологик шароитни моделлаштириш ва башорат қилиш учун экологик шароитнинг бир қатор омиллар билан боғлиқлигини тавсифловчи “иқтисодий-экологик ишлаб чиқариш функцияси”нинг тузилмасини таклиф этиш мумкин. Иқтисодий-экологик ишлаб чиқариш функциясини тузиш учун иқтисодий-статистик усуллар (масалан, мана

шундай жараёнлар учун қўллаш мумкин бўлган дисперсион таҳлил, факторли таҳлил, регрессион таҳлил ва бошқалар)дан фойдаланиш мумкин.

$$I_{ЭМС} = F(x_1, x_2, \dots, x_n),$$

бу ерда: $I_{ЭМС}$ – экологик муҳит сифати индекси.

$$I_{ЭМС} = a_0 + a_1x_1 + a_2x_2 + \dots + a_nx_n \text{ (аддитив шакл)}$$

$$I_{ЭМС} = a_0 \prod x_i^{a_i} \text{ (мультипликатив шакл)}$$

Мазкур тенглама атроф-муҳитнинг ифлосланишининг бир қатор омиллар билан боғлиқлигини ифодалайди. Масалан, саноат ишлаб чиқариш ҳажми, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳажми, инвестициялар ҳажми ва ҳ.к. Статистик маълумотларни қайта ишлатишнинг Microsoft Excel дастури ва бошқа статистик пакетлардан фойдаланган ҳолда a_0, a_1, a_2, a_3 номаълум параметрларни аниқлаш мумкин. Юқорида келтирилган тенглама $I_{ЭМС}$ нинг x_1, x_2, x_3 факторли хусусиятларининг бир бирликка ўзгаришидаги ўртача ўзгариш қийматини ифодалайди, яъни x_1, x_2, x_3 нинг бирлик вариациясига тўғри келадиган

Иқтисодий-экологик ишлаб чиқариш функцияси:

$I_{ЭМС}$ нинг вариациясидир. a_1, a_2, a_3 белгилар ўзгаришнинг йўналишини ифодалайди.

Умуман олганда, хулоса сифатида шуни қайд этиш мумкинки, иқтисодий-экологик ривожланиш моделини яратиш белгиланган саноат тармоғи, минтақа хусусиятларини (ресурслар мавжудлиги, табиий муҳит деградицияси даражаси, технологик ривожланиш даражаси ва ҳ.к.) ҳисобга олишни талаб этади. Бу эса, ўз навбатида, саноатда иқтисодий фаолиятни мақбул даражада бошқариш, самарали дастакларни танлаш (солиқ тизимини экологизациялаш, экологик суғуртани кенг татбиқ этиш ва б.), инновацион сиёсат йўналишини белгилаш каби принципларни шакллантириш имконини беради.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги “2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4477-сон Қарори.
2. Tatarkin A.I., Romanova O.A., Akberdina V.V. Forming of High-Technology Sector in the Industrial Region // Journal of the New Economic Association, 2014, No. 2(22). – P. 200-205.
3. Shevchenko I.K., Razvadovskaya Y.V., Marchenko A.A., Khanina A.V. The harmonization of mechanisms for the strategic development of the national innovation system // Terra Economicus, 2017, No. 1(15). – P. 103-129.
4. Grasmik K.I., Nesterov A.A. Corporation for development as a tool to attract foreign investment // Studies on Russian Economic Development, 2016, Vol. 27, No.3. – P.262-268.
5. Medovnikov Dan, Oganeyan T., Rozmirovich S. Candidates for the championship: Medium-sized high growth companies and state-run programs for their support // Voprosy Ekonomiki, 2016, No. 9. – P.50-66.
6. Popov V.V. Industrial Policy – How to Choose Industries that Should Be Supported // Journal of the New Economic Association, 2014, No. 2(22). – P. 190-195.
7. Кричешкий С.В. Основы экологической политики: Учебное пособие. М.: Изд-во РАГС, 2009.
8. Деревяго И.П. Формирование модели экологически устойчивого развития региона // Региональная экономика: теория и практика, 2008, № 24. – С.28–35.
9. Пегов С.А. Устойчивое развитие в условиях глобальных изменений природной среды // Вестник РАН, 2011, № 12. – С.147.

**Usmanov Mirumar Abdulla Ugli -
Tashkent financial institute master**

THE MAIN FEATURES AND STATE OF THE CONSTRUCTION INDUSTRY AS THE MOST IMPORTANT COMPONENT OF THE DEVELOPMENT OF THE COUNTRY'S ECONOMY

Аннотация: Мақоллада қуриш ва қуриш соҳасининг асосий тushunchasi кeltirilgan. Uy-joylar qurish bo'yicha tamlakatlar reytingi ko'rsatildi. Bozor iqtisodiyoti sharoitida qurilish sanoatining o'rni namoyish etildi. Turli tamlakatlarning yalpi ichki mahsulotida qurilishning ulushi ta'sir ko'rsatdi.

Калит со'злар: қуриш, иқтисодийот, саноат, hissa, қуриш комплекси, bozor, reyting, sanoat, ishlab chiqarish, texnologiya.

Аннотация: В статье озвучено основное понятие строительства и строительной отрасли. Показан рейтинг стран по строительству жилых домов. Представлена роль строительной промышленности в условиях рыночной экономики. Затронута доленое участие строительства в ВВП различных стран.

Ключевые слова: строительство, экономика, отрасль, доленое участие, строительный комплекс, рынок, рейтинг, индустрия, производство, технологии.